

“Тасдиқлайман”  
Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазири  
ўринбосари



И.Джураев

26 август

2022 йил

Халқ таълими тизимидағи умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом  
овқатлантиришни кейтеринг усулида ташкил этиш бўйича  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент - 2022

Мазкур техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон қарори асосида умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда кейтеринг усулида ўқувчиларнинг соғлом овқатлантиришни ташкил этиш мақсадида қўйиладиган талаб ва тартибларини белгилайди.

**Буюртмачи** - Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги хисобланади;

**Ижрочи** – худудларда масофавий усулда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш орқали овқатланишни шартнома асосида, етказиб бериш хизматларини кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор.

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

<b>Ижрочи</b>	<b>Талаб</b>
<b>Ижрочи</b> (кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор томонидан тақдим этиладиган хужжатлар)	<ol style="list-style-type: none"> <li>Кейтеринг усулида хизмат кўрсатиш учун бино иншоот ва замонавий технологик ускуналар мавжудлиги (кадастр ва техник паспортлар нусхалари);</li> <li>Махсус тайёр овқат ва озиқ-овқат хом ашёларини ташувчи жихозланган автотранспорт (рефрежиратор) воситаларини мавжудлиги (техник паспортлари нусхаси);</li> <li>Тадбиркорнинг мева ва сабзавотларни саклаш омборининг мавжудлиги; (кадастр ҳужжатининг тасдиқланган нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш мурдати камидা бир йил бўлган);</li> <li>Совутгич камераларининг мавжудлиги (техник паспортнинг нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш мурдати камидা бир йил бўлган);</li> <li>Бино иншоотлар ижара асосида фойдаланилган тақдирда ижара шартномаси нусхаси;</li> <li>Бино-иншоатлар корхонага тегишли бўлганда кадастр ҳужжати нусхаси;</li> <li>Инсофсиз ижрочилар Ягона реестрида қайд этилмаганлик тўғрисида маълумотнома (тасдиқловчи ҳужжат);</li> <li>Кейтеринг усулида овқатланишни ташкил этиш бўйича шартноманинг камидаги уч ойлик суммасига teng айланма маблағлари мавжудлиги;</li> <li>Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; (ДСИ маълумоти)</li> </ol>

	<p>10. Танловда (тандерда) иштирок этиш учун камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солик карздорлиги, тўловлар, бошка мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;</p> <p>11. Санитария конунчилигига риоя этилиши бўйича лабаратория, микробиология экспресс(тезкор) тест назорати хизмати билан тузилган шартнома нусхаси;</p> <p>12. Умумий овқатланиш соҳасида камида З йиллик тажрибага эга бўлишлиги;</p> <p>13. Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомларни таёrlаш технологияси буйича камида З йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларнинг мавжудлиги (муҳандис-технolog, аллерголог, диетолог, гастроэнтеролог, терапевт врач, ошпазлар);</p> <p>14. Инженер-технология ёки технология хизмати кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартнома; (диплом, тиббий кўриқдан ўтганлиги, ташкилотда ишлаш тўғрисида маълумот);</p> <p>15. Ошпазлар ҳақида маълумот; (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўриқдан ўтганлиги ва ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма);</p> <p>16. Тайёр овқатларни етказиб бериш учун, сертификатланган маҳсус термо идишларнинг мавжудлиги;</p> <p>17. Коррупцияга йўл кўймаслиги тўғрисида ариза.</p>
<b>Ижрочига кўйиладиган талаблар</b>	Мактабларда соғлом овқатлантириш хизматини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати хамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган намунавий мавсумий таомномалар, таом тайёрлаш бўйича технологик карталар асосида ташкил қилиш.
<b>Хизмат кўрсатиш тартиби</b>	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мактабларида бир маҳал соғлом овқатлантиришни белгиланган САНПИН меъёrlар асосида етказиб бериш орқали амалга ошириш.
<b>Тадбиркорлик субъектларига кейтеринг хизматларини кўрсатиш учун кўйиладиган талаблар</b>	Кейтеринг ташкилоти ошпазлари томонидан таом тайёрлаш технологик қоидаларига риоя килиниши, ва ошпазларни ўрнатилган тартибда малака оширишни назоратга олиш.
<b>Озиқ-овқат нархларининг шаклланиши</b>	Озиқ-овқат маҳсулотларининг ойлик ўртacha бозор нархлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва Хоразм вилояти хокимлигининг ойлик тасдиқланган баённомалар билан белгиланади.
<b>Хизматни бажариш вақти</b>	2022-2023 ўкув йили.



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: [www.kkedu.uz](http://www.kkedu.uz), e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nókis qalası, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: [www.kkedu.uz](http://www.kkedu.uz), e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

### Техникалық тапсырмаға қосымша

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигине қараслы улыўма билим бериў мектеплериндеги баслаўыш класс оқыўшыларын кейтириңг усылында азық-аўқат өнимлери менен тәмийинлеў бойынша, 1 балаға еки ай мұддетке сарыпланатуғын қаржы муғдарында Беруний районы 1-, 5-, 7-, 19-, 49-, 63-, 67-санлы мектеп балалары ушын өткериледи.

Министр



А.Наримбетов

